

Сийрат дарслари (125-дарс). Аллоҳим, Мадинани сиҳат маскани қилгин



13:30 / 26.02.2021 2168

482. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Мадинанинг икки ҳарраси орасини ҳарам қилдим. Унинг тиконли катта дарахтлари кесилмайди ёки ови ўлдирилмайди. Агар билишса, Мадина улар учун яхшидир. Бирортаси ундан бешиб чиққан бўлса, албатта, Аллоҳ унинг ўрнига ундан яхшини унга киритади. Ким унинг тангчилик ва қийинчиликларига собит турса, албатта, мен унга Қиёмат куни шафоатчи ва гувоҳ бўламан. Ким Мадина аҳлига ёмонликни истаса, Аллоҳ уни дўзахда худди қўрғошинни эритгандек ёки тузни сувда эритгандек эритиб юборади».**

Муслим ривоят қилган.

Ҳарра - Мадинанинг икки тарафидаги қора тошли минтақа.

483. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шаҳарларни ейдиган (яъни мағлуб қиладиган) шаҳарда бўлишга буюрилдим. Уни Ясриб дейдилар. У Мадинадир. У (ёмон) одамларни худди босқон темирнинг кирини чиқариб ташлагани каби чиқариб ташлайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

484. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим! Бизга худди Маккага бўлган муҳаббатимиз каби ёки ундан ҳам шиддатлироқ қилиб Мадинани севимли қилгин. Аллоҳим! Бизнинг соъимизни ва муддимизни баракали қилгин. У(Мадина)ни биз учун сиҳат маскани қилгин. Ундаги иситмани Жухфага кўчиргин», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан